

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Тупроққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи **Р.Идродиев** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**МАХСУС БУРГИЛАШ МЧЖ**» номидан Устав асосида иш юритувчи Пирназаров Нушнуд Отажонович иккинчи томондан «**Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов қўчасида тик дренаж қудуқ қазिश мўкаммал таъмирлаш ишлари**» объекти бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР.

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади ва ишлаш учун шароит яратиб берилади.
- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нарҳини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «**Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов қўчасида тик дренаж қудуқ қазिश мўкаммал таъмирлаш ишлари**» объекти қўзда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиганлар, электрон танлов натижасида аниқланган (**10.12.2022 йил № 66273-сон**) баён билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ҚҚС билан бирга пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда **115 000 000 (онд юз ун беш миллион)** сўмини ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
 - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга мувофиқ ишларни бажариш назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
 - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
 - қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолаган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- Объектга тегишли лойиха смета ҳужжатларини ўз вақтида тақдим қилади, лойиха смета ҳужжатлари бўлмаган ҳолда ўзаро келишиб далолатнома асосида ишлар бошланишига розилик беради. Бажарилган ишларни умумий ёки иш ҳажмларини кетма-кетлик билан қабул қилишга розилик беради.
 - уч кунлик муддат ичида «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумот ҳисоб-варақ фактура» ни қўриб чиқади ва уни расмийлаштиради.
 - мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини уч кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
10. Буюртмачи мазкур шартномада қўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради. Пудратчи томонидан йўл қўйилган камчиликларни бир иш кунидан ошмаган ҳолда жойида оғохлантириб камчилик бартараф қилинади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

- 11. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
- 12. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш ҳадвалига мувофиқ ишларни бажаради

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР.

- 13. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
- 14. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30 (уттиз)** фоиз миқдоридан аванс ўтказади
- 15. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш _____ иш кўни ичида амалга оширади.
- 16. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.
- 17. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охириг қунгача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактура»ни ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

18. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва ҳаражатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

Буюртмачи объектдаги пудратчи иш ҳажмларини топширувунга қадар қурилиш материалларини қўриқлашни ўз зиммасида қолдиради.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир. 21. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жаadwalига биноан объектда ишларни бажаришни муваққил равишда ташкил этади.

22. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширсда, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини неботласа жавобгар ҳисобланмайди.

23. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юрताди. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиниши, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмасда, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАР

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносив равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

27. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходизига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

28. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кўни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

29. Мазкур боннинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

XI. КАФОЛАТЛАР.

30. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
 - ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
- Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

31. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жаadwalига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қўйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жаadwalига бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорига жарима тўлайди;
- Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қўнида сабабсиз Пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорига жарима тўлайди;
- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жаadwalига бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош торгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош торган сумманинг 5% миқдорига жарима тўлайди;
- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош торса шартнома қийматининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

49. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириг қунига қадар тасдиқланган «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмас шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди.

40. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорда жарима тўлайди.

41. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

42. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

43. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIY. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

47. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

48. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

50. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

51. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

52. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади. Шартноманинг амал қилиши муддати 2022 йил 31 декабргача

53. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Тупроккальк гумани Ободонлаштириш бошқармаси	" МАХСУС БУРГИЛАШ МЧЖ"
Манзили: Тупроккальк тумани Саховат маҳалласи	Урганч шаҳар Хонка кучаси 142 уй
ШХР 100022860332217065200110008	тел: 62-22-5-51-10
ИНН 307302536	ИНН: 200409092
ОКЭД 90290	Х/р: 20208000400402944001
Молия вазирлиги Ғазначилиги Х/р : 23402000300100001010 ИНН 201 122 919	Банк: «Ўзсаноатқурилишбанк» Хоразм филиали
МФО 00014 Тошкент шаҳар Марказий банк	МФО: 00440
	ОКОНХ: 42210

Бошлик:  Р.Иулдошев

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бошлик:  С.Пирназаров

(имзо)

(Ф.И.О.)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

GN3627352215

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. **Loyihaning nomi: PUDRAT ShARTNOMASI.** «Buyurtmachi»
Tuproqqal'a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida
ish yurituvchi boshlig'i R.Yuldoshev bir tomondan, pudratchi» deb yuritiladigan
«MAXSUS BURGILASH MCHJ» nomidan Ustav asosida ish yurituvchi Pirnazarov
X.O. ikkinchi tomondan “Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani K.Otaniyozov
ko'chasida tik drenaj quduq qazish mukammal ta'mirlash ishlari ” obykti bo'yicha
115 000 000 so'mlik shartnomasini tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: TUPROQQAL'A
TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 14.12.2022 yilda
kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish
maqsadga muvofiq.

**Tuproqqal'a tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



M.R.SADIKOVA

14.12.2022

***Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов кўчасида тик дренаж қудук қазни мукамал таъмирлаш ишлари ** объекти буйича

ишларни бажариш ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Хажм бирлиги қиймати	2022 йил												
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
2	Мукамал таъмирлаш ишлари	115 000 000 ,00													115 000 000 ,00



Буюртмачи:

Тупроққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Р. Пулатов

Пудратчи:

"МАХСУС БУРГИЛАШ МЧЖ" бошлиғи Х. Пиризаров



“Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов кўчасида тик дренаж қудуқ қазииш мукаммал таъмирлаш ишлари” объекти бўйича

молиялаштириш ЖАДВАЛИ

(минг. сум)

№	Ишлар тури ва номи	Хажм бирлиги қиймати	2022 йил												
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
2	Мукаммал таъмирлаш ишлари	115 000 000 ,00													115 000 000 ,00

Буюртмачи:

Тупроққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи Р.Йулдошев



Пудратчи:

"МАХСУС БУРГИЛАШ МЧЖ"
бошлиғи Х. Пиризаров



Хоразм вилояти
Тупроққалъа тумани Хокими

А.Салаев

" " 2022йил

Тупроққалъа туман ҳокимининг
қурилиш ишлари бўйича ўринбосари в.в.б

О.Зарликов

" " 2022йил

"Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов кўчасида тик дренаж қудуқ қазिश мукаммала таъмирлаш ишлари, Тупроққалъа туманида "Яшил Макон" дастури асосида "Янги Ўзбекистон" ва "Якка чикир" массивларида мевали ва манзарали дарахтларни суғориш тизимини мукаммала таъмирлаш ишлари учун 2022 йилга ажратилган маблағларнинг манзилий руйхати

туман ичида	Объектнинг номи ва жойлашган урни	Қурилиш бошланиш ва тугаллаш йили	Лойихавий қувват тегишли улчов бирликлари	Пудрат шартномаси тузилиши вақтида қурилишнинг умумий қуввати	2022 йил лимитига асосан капитал қуйилмалар	қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	Буюртмачи харажатлари	шу жумладан		экспертиза хулосаси	2023 йил 1 январ ҳолатига утувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймат	Пудратчи қурилиш ташкилотлари
								Буюртмачи харажатлари	лойиха ва экспертиза харажатлари			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К Отаниёзов кўчасида тик дренаж қудуқ қазिश ишлари	2022 йил	1	120 384 578	120 016 024	115 000 000	5 016 024	5 016 024	5 016 024	№ 75995	0	«МАКСУС БУРГИЛАШ МЧЖ»
	Хоразм вилояти Тупроққалъа туманида "Яшил Макон" дастури асосида Тупроққалъа тумани "Янги Ўзбекистон" ва Якка чикир массивларида мевали ва манзарали дарахтларни суғориш тизимини капитал таъмирлаш.	2022 йил	1	112 973 775	112 973 775	107 975 000	4 999 000	4 999 000	4 999 000	№ 81048	0	танлов
	жами :			233 358 353	232 989 799	222 975 000	10 015 024	10 015 024	10 015 024			

Тупроққалъа тумани
Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиги Р.Йулдошев

" " 2022йил



Хоразм вилояти
Тупроққалъа тумани Хокими
А.Салаев

" " 2022йил

Тупроққалъа туман ҳокимининг
қурилиш ишлари бўйича ўринбосари в.в.б
О.Зарликов

" " 2022йил

"Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов кўчасида тик дренаж қудуқ қазиш мукаммала таъмирлаш ишлари, Тупроққалъа туманида "Яшил Макон" дастури асосида "Янги Ўзбекистон" ва "Якка чикир" массивларида мевали ва манзарали дарахтларни суғориш тизимини мукаммала таъмирлаш ишлари учун 2022 йилга ажратилган маблағларнинг манзилий руйхати

Туман ичда	Объектнинг номи ва жойлашган урни	Қурилиш бошланиш ва тугаллаш йили	Лойihaвий қувват тегишли улчов бирликлари	Пудрат шартномаси тузилиши вақтида қурилишнинг умумий қуввати	2022 йил лимитига асосан капитал қуйилмалар	қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	Буюртмачи харажатлари	шу жумладан		экспертиза хулосаси	2023 йил 1 январ ҳолатига утувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймат	Пудратчи қурилиш ташкилотлари
								Буюртмачи харажатлари	лойиха ва экспертиза харажатлари			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани К.Отаниёзов кўчасида тик дренаж қудуқ қазиш ишлари	2022 йил	1	120 384 578	120 384 578	115 368 554	5 016 024	5 016 024	5 016 024	№ 75995	0	таълов
2	Хоразм вилояти Тупроққалъа туманида "Яшил Макон" дастури асосида Тупроққалъа тумани "Янги Ўзбекистон" ва Якка чикир массивларида мевали ва манзарали дарахтларни суғориш тизимини капитал таъмирлаш.	2022 йил	1	112 973 775	112 973 775	107 975 000	4 999 000	4 999 000	4 999 000	№ 81048	0	таълов
	жами :			233 358 353	233 358 353	223 343 554,0	10 015 024	10 015 024	10 015 024			

Тупроққалъа тумани
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиги Р.Иулдошев
2022йил

